

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖАЛАЛОВ МУЗАФФАР МУХИТДИНОВИЧ**

**СТАТИК-ФАЗОВИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАНИШ**  
**МОНИТОРИНГИДА ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИРЛАРГА РАҚАМЛИ**  
**ИШЛОВ БЕРИШ ТИЗИМИ**

05.04.02 –Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобил, оптик толали алоқа тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Джалалов Музаффар Мухитдинович**

Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш мониторингида телевизион тасвирларга рақамли ишлов бериш тизими. . . . . 3

**Djalalov Muzaffar Mukhitdinovich**

Digital television image processing system for monitoring the detection and recognition of static-spatial objects. . . . . 17

**Джалалов Музаффар Мухитдинович**

Система цифровой обработки телевизионных изображений для мониторинга обнаружения и распознавания статика-пространственных объектов . . . . . 31

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works . . . . . 35

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖАЛАЛОВ МУЗАФФАР МУХИТДИНОВИЧ**

**СТАТИК-ФАЗОВИЙ ОБЪЕКТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАНИШ**  
**МОНИТОРИНГИДА ТЕЛЕВИЗИОН ТАСВИРЛАРГА РАҚАМЛИ**  
**ИШЛОВ БЕРИШ ТИЗИМИ**

05.04.02 –Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобил, оптик толали алоқа тизимлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/T11 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раджабов Тельман Дадаевич**

физика-математика фанлари доктори, профессор,  
академик

**Расмий оппонентлар:**

**Иногамов Акмал Муратович**

техника фанлари доктори

**Абдуқодиров Алишер Хабибуллаевич**

техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Р.Х.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.М.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

**Х.К. Арипов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.м.-ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида телевизион тасвирларга рақамли ишлов бериш жараёнларини мониторинг қилиш тизимларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Илмий-техник тараққиётнинг ҳозирги замон даражаси бутун дунёда хавфсизликни самарали таъминлаш тизимининг энг муҳим механизмларидан бири сифатида компьютерда кўриш тизимлари, жумладан образларни автоматлаштирилган таниб олиш масаласининг ривожлантирилишини амалга оширилмоқда. «Ҳар йили автотранспорт воситалари иштирокидаги ҳалокатларда 1,3 миллиондан зиёд инсон ҳаётдан кўз юмади ва 20-50 миллион инсон турли тан жароҳатини олади»<sup>1</sup>, бу эса ўз навбатида автотранспорт воситалари учун интеллектуал, атроф муҳитни ўзи баҳолай оладиган тизимларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Автотранспорт учун телевизион тасвирларни рақамли ишлов бериш усуллари ва мониторинг қилиш тизимлари ривожланган мамлакатлар, жумладан Хитой, АҚШ, Германия, Ҳиндистонда кенг ишлатилмоқда.

Республикамизда аҳоли ва автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ва турли хатарларни ўз вақтида бартараф этишда илмий инновацион ҳамда замонавий аудио-видео технологияларини тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада радионавигацион ва телевизион қурилмалар ёрдамида автомобилларни модернизация қилиш ва хавфсизлик мониторингини олиб боришда сезиларли натижаларга эришилиб, жумладан интеллектуал видеокузатув тизимларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Шулар билан бир қаторга, жумладан статик ва динамик фазовий объектларни интеллектуал аниқлаш қурилмаларини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «... йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ... илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада визуал кузатув тизимларини ривожлантириш, автотранспорт воситалари учун статик-фазовий объектларни мониторингини олиб боришда телевизион тасвирларга рақамли ишлов бериш тизимларини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда турли телевизион тасвирларни рақамли ишлов бериш тизимлари, автотранспорт воситалари учун статик-фазовий объектларни автоматик аниқлаш ва таниш тизимларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири бўлиб, бу борада одамларнинг биометрик маълумотлари ёрдамида уларнинг шахсини идентификациялаш, автомобилларнинг рақамли белгиларини таниб олишни яратиш, кузатиладиган жойдаги хавфли предметларни аниқлашни такомиллаштириш, автомобиль йўлларидаги тўсиқларни аниқлаш тизими, йўл белгиларини таниш тизимларини ишлаб

<sup>1</sup> <http://asirt.org/initiatives/informing-road-users/road-safety-facts/road-crash-statistics>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

чиқиш каби мақсадли илмий-тадқиқотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминоти, шунингдек жараён ишлашининг мақбул параметрларини аниқлайдиган ҳисоблаш тажрибалари натижасини таҳлил қилиш ва фазовий объектларни таниш амалий масалаларини ечиш жараёнларини автоматлаштириш назариясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бир қатор олимлар: З.Занг (Хитой), А.Муад (Ҳиндистон), Брэйлон (АҚШ), Бертоззи, Е.Лию (Хитой), Т.Эльген (Германия), Т.Ганди (Ҳиндистон), Д.Браун (Буюк Британия), В.Фэйг, О.Фогарс, Д. Геннери, С.Мэйбанк, Р.Тсаи, Р.Нэлсон, Д.Комбс ва бошқа муаллифларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш универсал тизимини ишлаб чиқиш муаммоси билан боғлиқ тадқиқотлар бир қатор олимлар томонидан олиб борилганига қарамадан яхши ўрганилмаган деб ҳисобланади. Мос маълумотлар омборидан фойдаланиладиган реал вақт режимда исталган статик-фазовий объектларни таниш учун универсал телевизион тизимлар яратишга бағишланган илмий изланишлар ҳозирги кунда етарли даражада кўрилмаган.

Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш муаммосини ечишнинг янги йўналиши бўйича тадқиқотлар натижаларининг илмий-услубий асослари мавжуд технологияларни ривожлантириш учун мўлжалланган визуал мониторинг қилиш ва видеокузатув тизимлари учун фрэймворклар (тузилмалар), усуллар, алгоритмлар ва дастурий комплекслар кенг спектрини ишлаб чиқилишини кўзда тутди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг С483-14-“Фото ва видео маълумотларда

одамларнинг юзларини таниш ва идентификациялаш тизимини ишлаб чиқиш” (2014-2015 йй.) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** визуал мониторинг тизимлари учун статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниб олиш жараёнини моделлаштириш, алгоритмлари ва фрэймворкини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳақиқий оптик оқимни ҳисоблаш принципи ва абсолют фарқ суммаси усулидан фойдаланиб Брэйлен усулининг базасида статик-фазовий объектларни аниқлаш усулини такомиллаштириш;

евклид маконидаги векторли дескрипторлар ўртасидаги бурчакларни ҳисоблаш усулидан фойдаланиб, SIFT белгиларини масштаби инвариант ўзгартиришнинг усулининг базасида статик-фазовий объектларни таниш усулини такомиллаштириш;

такомиллаштирилган Брэйлен ва SIFT усуллари асосидаги визуал мониторинг тизимлари учун статик-фазовий объектларини аниқлаш ва таниш алгоритмлари комплексини ишлаб чиқиш;

статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш мониторинги учун телевизион тасвирларни рақамли қайта ишлаш фрэймворкини ишлаб чиқиш;

автотранспорт воситалари учун визуал мониторинг тизимлари учун статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш қурилмасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида визуал мониторинг қилиш (видеокузатув) тизимлари ва замонавий телевидение тизимларида қўлланиладиган статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш жараёнлари қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** телевизион тасвирлардаги статик-фазовий объектларни аниқлаш ва танишда қўлланиладиган усуллари, алгоритмлари, воситалари ва қурилмаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида таҳлилий, математик ва сонли моделлаштириш, алгоритмлаш, дастурлаш, замонавий телевизион тасвирларга рақамли ишлов бериш, образларни таниш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

визуал мониторинг тизимлари учун статик-фазовий объектларга ишлов бериш ва уларни таниш белгиларини масштаби инвариант ўзгартириш (SIFT) алгоритми евклид маконидаги векторли дескрипторлар ўртасидаги бурчакларни ҳисоблаш орқали такомиллаштирилган;

автотранспорт воситалари йўлларида тўсиқларни аниқлашда визуал мониторинг тизимлари учун абсолют катталиқ суммасини ҳисоблаш ёрдамида Брэйлен усули такомиллаштирилган ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

статик-фазовий объектлар белгиларини масштаби инвариант ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда график маълумотлар базаси асосида аниқлаш ва таниб олиш фрэймворки ишлаб чиқилган;

автотранспорт воситалари атрофида визуал мониторинг тизимлари учун статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш техник қурилмасининг телевизион тасвирларга рақамли ишлов бериш схемаси ва дастурий таъминоти

ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

панорамали тасвири яратиш ва тўсиқларни аниқлаш имконини берадиган автотранспорт воситалари атрофида статик-фазовий объектларни аниқлаш ва танишни мониторинг қилиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

видеокузатув камераларидан фойдаланиб тўсиқларни визуал аниқлаш тизими билан автотранспорт атрофида айлана обзори яратиш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

телевизион тасвирларнинг айрим фрагментларини улаш ва текислаш йўли билан панорамали тасвири яратиш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

видеокузатув камераси ёрдамида одам юзларини ва ҳиссиётларини аниқлаш (детекторлаш) бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги келтирилган усул ва алгоритмлар визуал мониторинг тизимларида рақамли ишлов бериш дастурлари устида ўтказилган тажрибалар асосида олинган натижалар, видео ва тасвирда статик-фазовий объектларни аниқлаш ва танишдаги солиштирма жадваллари билан текширилганлиги, фрэймворкни ишлаш сифатини баҳолаш учун нафақат объектни аниқлаш ва таниш, балки автотранспорт атрофида панорамик тасвир яратиш усуллар қўлланилганлиги, ҳамда такомиллаштирилган Брэйлен ва SIFT усуллари ёрдамида статик-фазовий объектларни ҳолатига (айланма, узок, яқин, турли бурчак остида) қарамай аниқлаши исботланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш фрэймворк, ҳақиқий оптик оқим ва абсолют фарқ йиғиндиси усулидан фойдаланиб Брэйлен алгоритми асосидаги статик-фазовий объектларни аниқлаш такомиллаштирилган усули ва SIFT белгиларни масштаб-инвариант ўзгартиришнинг такомиллаштирилган алгоритми асосидаги статик-фазовий объектларни таниш усулидан реал вақт масштабида турли объектларни аниқлаш, таниш, назорат қилиш ва мониторинг қилиш тизимларини яратиш учун фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган методлар асосида маълумотлар омборидан фойдаланиладиган исталган статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш учун мос дастурий таъминот ва панорамали тасвири яратиш ва тўсиқларни аниқлаш имконини берадиган автотранспорт воситалари атрофида статик-фазовий объектларни аниқлаш ва танишни мониторинг қилиш қурилмаси ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш мониторингида телевизион тасвирларга рақамли ишлов бериш алгоритмлари ва дастурий таъминотлари асосида:

визуал мониторинг тизимлари учун статик-фазовий объектларга ишлов бериш ва уларни таниш белгиларини масштаб-инвариант ўзгартириш (SIFT) алгоритмлари ҳамда абсолют катталиқ суммаси базасида

такомиллаштирилган Брэйлен усуллари асосида ишлаб чиқилган фрэймворк “UNICON.UZ” ДУКга жорий этилган (Ахборот технологиялари ва ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 33-8/6817-сон маълумотномаси). Натижада марказ биносининг кириш қисмида жойлашган кузатув камералари орқали ходимларни автоматик равишда аниқлаш ва корхонада мониторинг жараёнини автоматлаштириш ҳамда корхонанинг кадрлар бўлимини ишлаш самарадорлигини 1,5 бароварга ошириш имконини берган;

автотранспорт воситалари атрофида визуал мониторинг тизимлари учун статик-фазовий объектларни аниқлаш техник қурилмаси ва дастурий таъминоти “GEO2 Technology” компанияси фаолиятига аэрофото тасвирларни автоматик умумлаштириш ва панорамик тасвир яратишда фойдаланилган (Ахборот технологиялари ва ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 10 октябрдаги 33-8/6817-сон маълумотномаси). Натижада аэрофото тасвирларни автоматик умумлаштириш ва панорамик тасвир яратишда компаниянинг меҳнат унумдорлигини 10-15% га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 1 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос келадиган диссертацион тадқиқотларнинг дорзарблиги ва зарурлигини асослаш, мақсадлар ва вазифаларни шунингдек, объектлар ва предметларни тавсифлаш, илмий янгиллиги ва амалий натижалар, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва танишнинг мавжуд методлари ва алгоритмларининг шарҳи ва таҳлили”** деб номланган биринчи бобида мавжуд усулларни шарҳи ва таҳлил қилиш келтирилган, шунингдек муаммонинг долзарблиги асосланади. Таъкидланадики, компьютерда кўринишнинг энг муҳим йўналишларидан

бири объектларни автоматлаштирилган аниқлаш ва таниш масаласи ҳисобланади. Масаланинг муваффақиятли ечилиши интеллектуал тизимларни ишлаб чиқиш, ташқи муҳитни мустақил баҳолай олиш ва унда фойдали ишларни бажара олиш учун зарур бўлади.

Турли статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш масалалари кўриб чиқилади. Таъкидаланадики, аниқлаш ва таниш йўналишлари орасида битта эталон тасвир алоҳида ўрин эгаллайди. Бу муаммонинг ечилиши қатор қийинчиликларни туғдиради. Хусусан, мавжуд объектларни аниқлаш ва таниш алгоритмлари, агар тизимда фақат битта эталон бўйича мумкин бўлса, ўз ишлаш кўрсаткичларини сезиларли ёмонлаштиради. Тизим ўрганилишини талаб қиладиган кўплаб мавжуд алгоритмларни бу муаммо доирасида қўллаб бўлмайди. Шунингдек, нафақат битта тасвирда, балки видео маълумотларда объектларни аниқлаш ва танишда қатор муаммоларнинг мавжудлиги таъкидланади. Муаммо шундан иборатки, видео маълумотлар баъзан ёмон сифатга эга бўлади, ўзгарувчан бўлиши мумкин, шунингдек видео оқимлаги объектлар тез ҳаракатланиши (масалан, автомобиллар, самолётлар ва ҳ.к.) мумкин. Бу ҳақда мазкур муаммога бағишланган янги мақолалар сони бўйича ҳукм чиқариш мумкин.

Диссертациянинг **“Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш алгоритмлари ва фрэймворки комплексини ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб иқилган объектларни таниш усули асосидаги такомиллаштирилган SIFT алгоритми тавсифланади. Объектларни аниқлаш усулиасл назарий оқим ўрнига ҳақиқий оптик оқимни ҳисоблаш бўйича алгоритмдан фойдаланиш йўли билан оптималлаштирилган ва иккинчи босқичда назарий оқим билан таққосланади. Брейлен модели назарий оқимни ҳисоблашга асосланган, яъни қандайдир объектлар бўлмайдиган сахна учун оқим матрицаси яратилади. Бу усулнинг муаммоси шундан иборатки, барча сиртлар текис ва идеал ҳоллар учун мўлжалланган. Шунинг учун назарий оқимга қараганда ҳақиқий оптик оқимни ҳисоблашдан фойдаланиш кадрдаги объектларнинг жойлашиш ўрнини аниқроқ ҳисоблашга имкон беради.

Компьютерда кўринишда кенг ишлатиладиган оптик оқимни ҳисоблашнинг дифференциал локал усули - Лукас-Канада алгоритмидан фойдаланиш таклиф этилади.

Оптик оқимнинг асосий тенгламаси иккита номаълумларга эга ва бир хил ечилиши мумкин эмас. Лукас-Канада алгоритми бир хил эмасликни ҳар бир нуқтадаги кўшни пикселлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳисобига четлаб ўтади. Усул ҳар бир пикселнинг локал теварагида оптик оқимнинг қиймати бир хиллигини кўзда тутишга асосланган, шундай қилиб, барча пикселлар тевараклари учун оптик оқимнинг асосий тенгамасини ёзиш ва олинган тенгламалар тизимини энг кичик квадратлар усули орқали ечишмумкин.

$I, J$  кулранг градацияларида икки ўлчамли тасвирлар ҳисобланади ва  $\vec{x} = (x, y)$  тасвирдаги пикселнинг жойлашиш ўрни ҳисобланади деб оламиз. У ҳолда бизда қуйидаги тенгламани оламиз:

$$I(\vec{x}) = I(x, y) \text{ и } J(\vec{x}) = J(x, y)$$

Пикселнинг юқоридан чапдаги бурчаги вектор координаталари  $(0,0)$  ҳисобланади.  $n_x$  ва  $n_y$  мос равишда тасвирнинг кенглиги ва баландлиги ҳисобланади. Пикселнинг пастдан чапдаги бурчаги вектор координаталари  $(n_x - 1, n_y - 1)$  ҳисобланади.

Бирини  $I$  тасвирдаги  $\vec{u} = (u_x, u_y)$  аниқ бир нуқтани кўриб чиқамиз. Белгилар характеристикларини кузатишдан мақсад иккинчи  $J$  тасвирдаги  $\vec{v} = \vec{u} + \vec{d}$  векторнинг жойлашиш ўрнини топиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, у яна интеграцияланиш ойнаси дейиладиган икки ўлчамли фазодаги  $I(\vec{u})$  ва  $J(\vec{v})$  тасвирлар ёрқинликлари орасидаги ўхшашликни аниқлаш муҳим.

$\omega_x$  ва  $\omega_y$  бу иккита бутун сонлар бўлсин.  $\varepsilon \vec{d}$  боғланмаслик функциясини минималлаштириш вектори сифатида тасвирнинг  $\vec{d}$  силжишини аниқлаймиз, у қуйидаги тарзда аниқланади:

$$\epsilon(\mathbf{d}) = \epsilon(d_x, d_y) = \sum_{x=u_x-\omega_x}^{u_x+\omega_x} \sum_{y=u_y-\omega_y}^{u_y+\omega_y} (I(x, y) - J(x + d_x, y + d_y))^2.$$

бу ерда  $\omega_x$  ва  $\omega_y$  - интеграцион ойна ўлчамлари.

Объектнинг характеристикаларини аниқлаш ва таниш учун масштаб-инвариант характеристикаларни модификацияланган ўзгартириш (Scale Invariant Feature Transform, SIFT) алгоритми ишлатилади. Бу алгоритм томчи кўринишидаги исталган объектларнинг характеристикаларини (алоҳида нуқталарини) аниқлашга имкон беради, чунки улар барча ўзгартиришларга (аффин ўзгартиришларга, ёритилганликнинг, камера ҳолатининг ва шовқиннинг ўзгаришларига) инвариант ҳисобланади.

SIFT алгоритми 5 та қисмларга бўлинади: 1) гауссиан ва уларнинг фарқлари пирамидасини қуриш (бу қадамда масштаблаштиришга инвариантлик таъминланади); 2) экстремумларни аниқлаш; 3) алоҳида нуқталарни аниқлаштириш; 4) объект характеристикаларининг йўналишларини аниқлаш (бурилишга инвариантлик таъминланади); 5) дескрипторларни қуриш (ёритилганлик, шовқин, камера ҳолатининг ўзгаришига инвариантлик таъминланади).

Барча характеристикалар (белгилар) орасидаги масофани ҳисоблаш кўп вақтни олади. Бу вектор белгиларининг скаляр кўпайтмасини топиштаклиф этилади, бу векторлар орасидаги масофани топишга қараганда сезиларли тез ва ишончли бўлади. Шунинг учун белгилар орасидаги масофа ўхшаш бўлиши ва мос келмаслик бўлиб ўтиши мумкин, лекин белгилар орасидаги бурчак доимо турлича бўлади. Скаляр кўпайтириш ва белгилар орасидаги бурчак қуйидаги йўл билан аниқланади:

$$a \cdot b = \sum_{i=1}^n a_i b_i = a_1 b_1 + a_2 b_2 + \dots + a_n b_n$$

$$\theta = \arccos \left( \frac{a \cdot b}{\|a\| \|b\|} \right)$$

Кейин навбатдаги йўл билан яқиндаги қўшни бурчак олдиндан берилган коэффициентга қараганда кичик коэффициентга эгаллиги текширилади:


$$\theta < pred.ratio$$

Асл SIFT алгоритмида фақат яқиндаги қўшни орасидаги белгилар масофаси таққосланган ва энг кичик қиймат танланган. Модификацияланган SIFT алгоритмида вектор белгилари орасидаги бурчаклар таққосланади. Шунингдек хато таққослашни камайтириш ва фақат мусбат қийматларни қабул қилиш учун “ташлаб юбориш” учун масофалар нисбати ишлатилган:

$$A1 < A2 \times DisRatio$$

Фреймворк қуйидаги қисмлардан иборат: кирувчи тасвир блоки, объектларни аниқлаш блоки, объектларни таниш блоки, шунингдек натижаларни акс эттириш блоки.

Тасвирлар кетма-кетлиги (видеомаълумотлар) "Input Video Data" блокидан "Object detection" блокига келиб тушганда, кадрда объектларни топиш учун такомиллаштирилган Брейлен алгоритмидан фойдаланилади. Бунинг учун аввал қандайдир предметлар ёки тўсиқларсиз бўш йўлда оптик оқим модели ("Optical flow model" block) модели ҳисобланади ва кейин ("Real optical flow" block) оптик оқимни ҳисоблаш учун Lucas-Kanade алгоритмидан фойдаланиб тасвирда объектларга эга ҳақиқий оптик оқим ҳисоб-китоб қилинади. Сўнгра "Sum of absolute difference" блокида модель ва ҳақиқий оқимлар ўртасидаги фарқ топилади, бу эса объект аниқланганлиги имконини беради (1-расм).




1-расм. Фреймворк блок схемаси

Кейинги кадам бўлиб, фазо объектларини таниш ҳисобланади. "Object recognition" блоки ўзида такомиллаштирилган SIFT алгоритми асосидаги бир нечта жараёнларни ўз ичига олади. Аввал гауссиан пирамидаси ва улар турларининг тузилиши амалга оширилади. Бу кадамда масштабликка инвариантлик таъминланади. Сўнгра экстремумлар аниқланади ва алоҳида нуқталар аниқлаштирилади. Кейин айланишга инвариантлик таъминланадиган алоҳида нуқталарнинг ориентацияси аниқланади. Натижада дескрипторлар курилади (ёритиш, шовқин ва камера ҳолатининг ўзгаришига инвариантлик таъминланади).

Диссертациянинг «**Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва танишни мониторинг қилиш қурилмасини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида махсус ишлаб чиқилган қурилманинг тавсифи келтирилган.

2-расмда объектларни аниқлаш ва таниш учун қурилмани блок-схемаси келтирилган ва у «Wide-angle Camera», «Ultrasonic Sonar», «Sonar Control Unit», «Image Processing Unit» ва «Display» каби блоклардан ташкил топган.



**2-расм. Объектларни аниқлаш ва таниш қурилмаси**

«Wide-angle Camera» модули (кенг қамровли камерлар). Камералар автотранспорт воситасининг 4та томонида маҳкамланади ва олинаётган тасвирларни «Image Processing Unit» модулига узатади.

«Ultrasonic Sonar» модули (ультра товуш сонарлар). Мазкур сонарлар автотранспорт воситасининг атрофидаги тусиқларни аниқлашда қулланилаи ва олинган маълумотларни «Sonar Control Unit» модулига узатади.

«Sonar Control Unit» модули (Сонарларни бошқариш блоки). Мазкур блок барча «Ultrasonic Sonar» сонарларда келган маълумотларни узида жамлайди ва автотранспорт воситаси атрофидаги фазовий объектлар хакида малумотни «Image Processing Unit» модулига юборади.

«Image Processing Unit» модули (тасиврлари қайта ишлаш блоки). Мазкур блок қурилманинг автотранспорт воситаси атрофида панорамик тасвир яратиш учун аоссий компонентларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқилган тасвирдаги белгиларни масштабли инвариант SIFT алгоритми ёрдамида

тасвирдаги белгилар аниқланади ва солиштирилади.

«Display» модули (Дисплей). Автотранспорт воситаси атрофида панорамик тасвирни ва тусиқлани курсатади.

Диссертациянинг **“Ишлаб чиқилган тизимни тестлаш ва тажрибавий баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида тажрибалар ва компьютерда симуляциялаш натижалари келтирилган.

Илмий тажриба тадқиқотларини ўтказиш мақсадида одам юзларининг базаси, инсон ҳиссиётлари базаси ва автотранспорт воситалари рўйхат рақамлари базаси каби статик-фазовий объектларнинг маълумотлар базалари шакллантирилган. Ўқитиш ва классификаторни тестдан ўтказиш вазифаси учун турли манбалардан йиғилган ўзига тегишли тасвирлар базаси тузилди.

Энди турли таниш усуллари ва алгоритмларининг, айнан SIFT, PCA-SIFT алгоритмларининг ва модификацияланган ва таклиф этилган Modified-SIFT алгоритмининг самарадорликларини баҳолаш натижалари келтирилади. Бу тадқиқотларнинг ўтказилишида текширилмаган ноаниқлик шароитларида тасвирларни қайд этишда, айнан қайд этиладиган тасвирларда масштабнинг ўзгариши, бурчакли йўналишнинг ўзгариши ва сигнални шовқинга нисбатини ўзгаришида тўғри таниш эҳтимоллиги мезони бўйича таниш алгоритмларининг самарадорликларини баҳолаш амалга оширилди.

Тадқиқотлар сонли тажрибалар жараёнида кўп вариантли таҳлил қилиш йўли орқали математик моделлаштириш усули билан ўтказилди. Бунинг учун MATLAB муҳитида дастурий таъминот ишлаб чиқилди, унда юқорида тавсифланган объектлар контурларини ажратиш ва образларни таниш алгоритмлари ишлатилган.

Барча тестлаш тасвирлари тўпламлари учун образларни таниш алгоритмларининг самарадорлиги тестлаш тасвирларини маълум синфга тегишлилиги ҳақида тўғри қарорларни қабул қилиниши частотаси орқали баҳоланадиган тасвирларни тўғри таниш эҳтимоллиги орқали характерланди. Фоизларда ифодаланган таниш эҳтимоллигини баҳолаш қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$P = \frac{N_r}{N_0} \cdot 100\%$$

бу ерда  $N_r$ —синовда тестлаш тасвирларини берилишида тўғри-ижобий яқунлар сони,  $N_0$ —синовда тестлаш тасвирларини берилиши сони.

1-жадвалда SIFT, PCA-SIFT алгоритмлари ва модификацияланган Modified-SIFT алгоритми орқали белгиларни ажратишда, шунингдек дастлабки тасвирлар масштаблари ва бурчакли йўналиши ўзгаришларида тўғри таниш эҳтимолликлари қийматлари кўринишида сонли тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

**Турли алгоритмлар орқали белгиларни ажратишда, шунингдек  
дастлабки тасвирлар масштаблари ва бурчакли йўналиши  
вариацияларида тўғри таниш эҳтимолликлари қийматлари**

| Тестлаш тўплами<br>тури | Таниш эҳтимоллиги |                       |                            |
|-------------------------|-------------------|-----------------------|----------------------------|
|                         | SIFT алгоритми    | PCA-SIFT<br>алгоритми | Modified-SIFT<br>алгоритми |
| M=1.00                  | 100%              | 100%                  | 100%                       |
| M=0,75                  | 82,5%             | 95%                   | 95%                        |
| M=0,5                   | 50%               | 70%                   | 82,5%                      |
| $\bar{\sigma}=0$        | 100%              | 100%                  | 100%                       |
| $\bar{\sigma}=20^\circ$ | 92,5%             | 100%                  | 100%                       |
| $\bar{\sigma}=30^\circ$ | 90%               | 95%                   | 97,5%                      |
| $\bar{\sigma}=45^\circ$ | 82,5%             | 95%                   | 95%                        |
| $\bar{\sigma}=60^\circ$ | 90%               | 95%                   | 97,5%                      |
| $\bar{\sigma}=80^\circ$ | 90%               | 95%                   | 100%                       |
| $\bar{\sigma}=90^\circ$ | 90%               | 100%                  | 100%                       |

**Дастлабки тасвирларда сигналнинг шовқинга нисбати ўзгаришида  
турли алгоритмлар орқали контурларни ажратилишида тўғри таниш  
эҳтимолликлари қийматлари**

| Сигнални<br>шовқинга<br>нисбати | Таниш эҳтимоллиги |                       |                            |
|---------------------------------|-------------------|-----------------------|----------------------------|
|                                 | SIFT алгоритми    | PCA-SIFT<br>алгоритми | Modified-SIFT<br>алгоритми |
| 17                              | 90%               | 92%                   | 95%                        |
| 10                              | 59,5%             | 77,5%                 | 80%                        |
| 7                               | 45%               | 65%                   | 68%                        |
| 5                               | 33,5%             | 45%                   | 45%                        |
| 3                               | 25%               | 39,5%                 | 40%                        |

2-жадвалдан келиб чиқадики, SIFT алгоритми сигнални шовқинга нисбати қиймати камайганида тасвирда таниш эҳтимоллигини сезиларли пасайиши бўлиб ўтади. PCA-SIFT ва Modified-SIFT алгоритмлари аддитив шовқининг таъсирига барқарорроқ, бинобарин, Modified-SIFT алгоритми орқали чегаралар ажратилишида энг яхши натижаларга эришилади.

## ХУЛОСА

“Статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш мониторингида телевизион тасвирларга рақамли ишлов бериш тизими” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ҳақиқий оптик оқимни ҳисоблаш ва абсолют фарқ йиғиндиси методларидан фойдаланиб Брэйлен модели асосида статик-фазовий объектларни аниқлаш усули такомиллаштирилган, унинг ҳисобига шунга

ўхшаш методларга нисбатан 1,5 баробар аниқлашнинг юқори аниқлигига эришиш имконини беради.

2. Мос маълумотлар базасидан фойдаланиладиган фазовий объектларни аниқлаш ва таниш учун универсал фрэймворк (тузилма, блок-схема) ишлаб чиқилган. Мазкур универсал фрэймворк илк бор инсонларнинг юзлари ва уларнинг ҳиссиётларини, автотранспорт атрофидаги тўсиқларни аниқлашда ва панорамали тасвирни яратишда ҳамда автотранспорт воситаларининг давлат рақамларини аниқлаш имконини яратади.

3. Автотранспорт воситаси атрофини визуал мониторинг қилиш тизими учун фазовий объектларни аниқлаш қурилмаси ишлаб чиқилган. Объектларни аниқлаш қурилмасидан кенг бурчакли камералардан ташқари, ультратовушли сонарлар фойдаланилган бўлиб тўсиқларни 2 баровар тез аниқлаш имконини беради.

4. Инсон юзларининг тасвирлари, автотранспорт воситаларининг давлат рўйхатидан ўтказилган рақамлари каби потенциал объектларнинг маълумотлар базасида шакллантирилган. Натижада бошқа маълумотлар базаларига боғлиқлик камайтиради.

5. Такмиллаштирилган усуллар асосида автотранспорт воситалари атрофида панорамали тасвир яратиш, тўсиқларни аниқлаш, инсон юзи ва улар ҳиссиётларини, автотранспорт воситаларининг давлат рақамларини аниқлаш каби дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган. Бу натижалар ўз навбатида Ўзбекистонда дастурий таъминотлар бозорида экспорт ўрнини босиш имконини яратади.

6. Такмиллаштирилган усуллар ва алгоритмлар асосида олиб борилган тажрибалар натижасида статик-фазовий объектларни аниқлаш ва таниш учун кетган вақт 1,4 секундни ташкил этади ва 97,5% фоиз тўғри аниқлаш имконини беради.

7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг турли соҳаларидаги визуал мониторинг қилиш тизимлари учун ишлаб чиқилган методлардан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги тизимида “Хавфсиз шаҳар” концепциясини ривожлантириш имкониятини яратади.

8. Визуал мониторинг тизими учун ишлаб чиқилган объектларни аниқлаш ва таниш фрэймворки асосида олинган натижалар иккита ташкилотда жорий қилинди ва апробациядан ўтказилди ҳамда йилига 60 млн. сўм ва 20 минг АҚШ долл. иқтисодий самарадорликни ташкил қилди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.27.06.2017.T.07.01 AT TASHKENT UNIVERSITY OF  
INFORMATION TECHNOLOGIES**

---

**TASHKENT UNIVERSITY OF INFORMATION TECHNOLOGIES**

**DJALALOV MUZAFFAR MUKHITDINOVICH**

**DIGITAL TELEVISION IMAGE PROCESSING SYSTEM FOR  
MONITORING THE DETECTION AND RECOGNITION OF STATIC-  
SPATIAL OBJECTS**

**05.04.02 – Systems and equipment of radio technology, radio navigation, radiolocation and  
television. Mobile, fiber-optic communication systems**

**DISSERTATION ABSTRACT OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)  
ON TECHNICAL SCIENCES**

**Tashkent-2017**

**The theme of doctor of philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.1.PhD/T11.**

The dissertation has been prepared at Tashkent University of Information Technologies.

The abstract of the dissertation is posted in Three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website [www.tuit.uz](http://www.tuit.uz) and on the website of «ZiyoNet» Information and educational portal [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Scientific adviser:**

**Radjabov Telman Dadaevich**

doctor of physical-mathematical sciences, professor  
Academician

**Official opponents:**

**Inogamov Akmal Muratovich**

Doctor of technical sciences

**Abdukadirov Alisher Khabibullaevich**

Candidate of technical sciences, docent

**Leading organization:**

**Tashkent state technical university**

The defense will take place “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2017 at \_\_\_\_\_ the meeting of Scientific council No. DSc.27.06.2017.T.07.01 at Tashkent University of Information Technologies (Address: 100202, Tashkent city, Amir Temur street, 108. Tel.: (+99871) 238-64-43, fax: (+99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

The dissertation can be reviewed at the Information Resource Centre of the Tashkent University of Information Technologies (is registered under No. \_\_\_\_\_). (Address: 100202, Tashkent city, Amir Temur street, 108. Tel.: (+99871) 238-64-43, fax: (+99871) 238-65-52).

Abstract of dissertation sent out on “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2017 y.  
(mailing report No. \_\_\_\_ on “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2017 y.).

**R.Kh.Khamdamov**

Chairman of the scientific council  
awarding scientific degrees,  
doctor of technical sciences, professor

**F.M.Nuraliev**

Scientific secretary of scientific council  
awarding scientific degrees,  
doctor of technical sciences

**H.K.Aripov**

Chairman of the academic seminar under the  
scientific council awarding scientific degrees,  
doctor of physics-mathematics sciences, professor

## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The relevance and demanding of the dissertation the theme.** In the world great attention is paid to creation of the corresponding of digital television images processing system for monitoring in the field of information and communication technologies. Current level of scientific and technical progress as one of the important mechanisms of effective safety system puts in the forefront need of target development of the computer view systems such as automatic recognition of images. «Every year in car crashes around 1.3 million people die and 20-50 million people get different kind of injures»<sup>1</sup>, Methods of digital television images processing and monitoring system are widely used in the developed countries, in particular, in China, the USA, Germany, India.

In the Republic Uzbekistan the large-scale attention is given to citizens' and vehicles' safety and prevention of different accidents based on scientifically innovation and using modern audio-video technologies. In this matter, essential results are achieved using modernization of vehicles based on radionavigation and television equipment and monitoring the safety, particularly video surveillance system production has started. Although, the development of intellectual detection devices of dynamic and static spatial objects upon the modern demands are considered. Uzbekistan's Development Strategy considers such tasks as "... maintaining road safety, ... implementation of modern information technologies and their use"<sup>2</sup>. In order to perform these tasks a development of visual monitoring systems, creation of digital television image processing system for monitoring static-spatial objects for vehicles are considered as an important issues.

Today one of the important scientific-technical tasks in the world is improvement of digital television images processing systems, as well as systems for automatic detection and recognition of static-spatial objects for vehicles, and considering this circumstance, special attention is paid to target scientific research, in particular identification of the personality according to biometric data, recognition of number plates of vehicles, obstacles detection systems, recognitions of road signs etc.

The dissertation is directly serve the implementation of the tasks set out in the following provisions and decrees of the President of the Republic of Uzbekistan: PD-4947 "On Uzbekistan's Development Strategy" of 7 February 2017, PD-5005 "On measures to radically increase the effectiveness of the activities of the internal affairs bodies, to strengthen their responsibility for ensuring public order, the reliable protection of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens" of 10 April 2017 and PR-1442 "On the priorities of industrial development of Uzbekistan in 2011 -2015 years" of 15 December 2010.

**Compliance research priority areas of science and technology of the republic.** This research was performed in accordance with the priority areas of science and technology IV - "The development of informatization and information communication technologies".

---

<sup>1</sup> <http://asirt.org/initiatives/informing-road-users/road-safety-facts/road-crash-statistics>

<sup>2</sup> Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PD-4947 "On Uzbekistan's Development Strategy" of 7 February 2017

